

Саховатли Қашқадарё замини улкан ўзгаришлар арафасида



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда қабул қилинган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида вилоятнинг 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалласи обод қилиниб, уларда яшаётган 300 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланганини таъкидлади.

Жумладан, 17 мингта ҳовли-жой, 193 та кўп қаватли уй, 82 та ижтимоий соҳа объекти, юзлаб километр йўл ва кўчалар, сув ва электр тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунга қарийб 300 миллиард сўм сарфланди.

Вилоятда ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасида сезиларли ишлар қилингани, бироқ бу кифоя эмаслиги қайд этилди. Бу ишлар кўламини ошириш мақсадида Косон, Муборак, Қамаш ва Ғузор туманлари ичимлик суви таъминоти тизимларини реконструкция қилиш, Деҳқонобод туманидаги 38 аҳоли пунктида яшаётган 104 минг кишини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади.

Аҳолининг арзон уйларга талабини қондириш учун жорий йилда қишлоқ жойларда 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп арзон намунали уй-жой, шуниндек, Қарши шаҳрида жами 630 хонадонли 14 та кўп қаватли уй қурилди. 2019 йилда 190 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган 39 та қишлоқ ва 6 та маҳалла ободонлаштирилади. Қишлоқ жойларда 1 минг 205 та арзон намунавий уй-жой, шаҳарларда 14 та кўп қаватли уй барпо этилади, аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизнинг Буюк Британия, Эрон ва Польшадаги элчихоналари Қашқадарё вилоятига бириктирилган. Президентимизнинг ташрифи доирасида Қарши шаҳрида ўтган тақдимотларда Буюк Британиядаги элчимиз Алишер Шайхов 276 миллион долларлик 5 та лойиҳа, Польшадаги бош дипломатимиз Баҳром Бобоев 163 миллион долларлик 8 та, Эрондаги элчимиз Баҳодир Абдуллаев 61 миллион долларлик 9 та лойиҳани амалга

оширишга инвестиция киритиш бўйича таклифлар берди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар етарли эмаслигини, элчилар хорижий инвестиция жалб этишни камида 2 баробар кўпайтириши лозимлигини таъкидлади.

Элчиларимиз булардан ташқари 2019 йилда ҳар бир туманга қўшимча камида 10 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб қилишга кўмак бериши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоятда ижтимоий соҳани ривожлантириш, таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, 2019 йилда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Ишсизликни камайтириш масаласига эътибор қаратилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида умумий қиймати 15 триллион сўм бўлган 1 минг 200 дан зиёд лойиҳа бўйича таклифлар ишлаб чиқилгани, улар амалга ошиши билан 29 мингта доимий иш ўрни яратилиши қайд этилди.

Худудда туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинади. Бу борада Шаҳрисабзда йил давомида маданий-кўнгилочар тадбирлар ва анжуманлар ўтказиб бориш орқали туристларни кенг жалб қилиш учун кўҳна Кешни Фестиваллар шаҳрига айлантириш таклифи берилди.

Ижтимоий ҳаётни яхшилаш учун, аввало, иқтисодий ривожлантириш керак. Бунинг учун иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш талаб этилади. Фақат хомашё етиштириш эмас, балки уни тайёр маҳсулот шаклида сотиш тизимини йўлга қўйиш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда пахта кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ҳар бир туман иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди. Жойлардаги ижро органлари бу борада сусткашликка, бефарқликка йўл қўяётгани танқид қилинди.

Қашқадарё бағрикенг, танти ва ғурурли эл. Бу ерда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Биз, албатта, Қашқадарё аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратамиз, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар муаммоларини ҳал этишга эътиборни кучайтирамиз, ижтимоий таъминотга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаймиз, бунинг учун раҳбар ходимларимиздаги мудроқлик кайфиятини, коррупцияни йўқотамиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз видеоалоқа орқали туманлардаги аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб,

уларнинг таклиф ва истакларини бажариш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислон Каримов Қашқадарёга раҳбарлик йилларида вилоят иқтисодиётини кўтариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида кўп ишлар қилгани ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида бунёд этилаётган "Ватанпарварлар" боғини бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев жорий йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги Ислон Каримов кўчасида жойлашган Болалар боғи номини "Ватанпарварлар" деб ўзгартириш, бу ерда ана шу шарафли номга уйғун руҳда реконструкция ишларини амалга ошириш юзасидан топшириқ берган эди.

Боғни барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини кучайтириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз номини абадийлаштириш, армиямиз қудрати ва салоҳиятига ишончни кучайтиришдан иборат.

Қарийб 7 гектар ҳудуддаги "Ватанпарварлар" боғи ана шу мақсадларга ҳамоҳанг тарзда янги қиёфа касб этмоқда. Бу ерда 2018-2019 йилларда 29,3 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади. Сунъий қўл, кириш дарвозаси, амфитеатр, блендаж, ўқ отиш жойи ва лукодром қурилиши яқунланди. Музей қурилиши тугалланиш арафасида, парашютдан сакраш минораси қурилиши, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

Боғ ҳудудига Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган, турли йилларда хизмат қилган 24 та ҳарбий техника макети ўрнатилган. Махсус тайёрланган блендажни кўрган киши кўз ўнгига Иккинчи жаҳон урушида мардонавор жанг қилган ватандошларимиз келади.

Боғда ўрнатилган Ўзбекистон харитасининг улкан макетида ҳар бир вилоятнинг буюк сиймолари, қадимий обидалари, сервиқор тоғлари, дарёлари, бепоён кенгликлари акс эттирилган.

Мухтасар айтганда, бу ерга ташриф буюрувчилар Ўзбекистонимиз ҳудудлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Боғ яқинида қурилган 4 та замонавий кўп қаватли турар жой, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳудуд манзарасини янада гўзаллаштиради.

Президентимиз боғда яратилган шароитларни кўздан кечирди, таълим муассасаларидаги "Жасорат" гуруҳлари аъзолари билан суҳбатлашди.

Бундай масканлар ёшларга халқимиз тарихи, маънавияти ва маданияти ҳақида яққол таассурот беради. Энди бундан самарали фойдаланиш, ушбу масканга ёшларни кўпроқ олиб келиб, очик дарслар ўтказиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган хиссасининг аҳамиятини ёшларга етказиш, тинчлик-осойишталигимиз учун катта хизматлар қилган ватандошларимиз ҳақида сўзлаб бериш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари "Ватанпарварлар" боғи ёнида қад ростлаган янги сув спорти мажмуаси билан танишди. Ушбу замонавий иншоотда 25x11 метрлик тўрт йўлакдан иборат иккита сузиш ҳавзаси мавжуд. Ташқи кўриниши парвоз қилаётган қушни эслатадиган иншоот ҳавзасидаги сув махсус филтрлар ёрдамида тўлиқ янгилаб турилади. Ювиниш, овқатланиш, тиббиёт ва фитнес хоналарида барча қулайликлар яратилган. Бу ердаги замонавий шароитлар ота-оналарнинг, ёшларнинг сув спортига қизиқишини оширади.

Шавкат Мирзиёев бу ерда шуғулланаётган ёш спортчилар билан суҳбатлашиб, уларга келгуси мусобақаларда омадлар тилади.

Шу билан Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

[ЎЗА](#)